



ПРЕЗИДЕНТ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОРИШИ БЎЙИЧА МАЖЛИС ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 август кuni умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши, 11 йиллик ўрта таълим тизимини жорий этиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш, янги очилган олий таълим муассасалари, филиаллар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ишлар ҳолати билан яқиндан танишиш мақсадида олий ва ўрта махсус таълим вазири И.Мажидов, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори М.Холмухамедов, халқ таълими вазири У.Иноятов ва уларнинг ўринбосарларини қабул қилди ва ҳисоботларини тинглади.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Юнусходжаев, Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров ва Ҳисоб палатаси раиси М.Икромов қатнашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида берилган топшириқлар ижросининг бориши кўриб чиқилди.

Белгиланган вазифага мувофиқ, умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини ўз хошига кўра 10-синфда ўқишини давом эттириши, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қамраб олиш ишлари изчил давом этмоқда.

Ўқув режасига кўра, 10-синф ўқувчилари ҳафтада 5 кун умумтаълим фанларини ва 1 кун касб-га доир фанларни ўрганиши белгиланди. Касб-хунар коллежларидан узоқ масофада жойлашган 2703 та мактаб учун 1103 та мактабда, 6956 мактаб учун эса 615 та коллежда ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этилади.

Мактабларда 10-синф очилиши муносабати билан 22 минг ўқитувчига эҳтиёж юзага келади. Шуларнинг 9,5 минг нафари олий таълим муассасалари битирувчиларини ҳисобидан, 13 минг нафари лицей ва коллежлар ўқитувчиларини жалб этиш ҳисобидан қоплаш режалаштирилган.

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб 10-синфларда дарс берадиган 116 минг нафар ўқитувчининг касбга оид билимларини янгилаш ва чуқурлаштириш мақсадида қисқа муддатли малака ошириш курслари йўлга қўйилди.

10-синф ўқувчилари учун 8,5 миллион нусха дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилиб, айни пайтда таълим муассасаларига етказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2018-2019 ЙИЛЛАРДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз туризм индустрияси жадал ривожланиши учун қисқа муддатда энг қулай шарт-шароит, иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳит яратиш, жумладан, соҳада хусусий секторнинг устувор иштирокини таъминлаш, унинг рақобатбардорлиги ва кўрсатилган хизматлар сифатини янада ошириш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суриш мақсадида:

1. 2018-2019 йилларда туризмин ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур қарорда кўзда тутилган ва Биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига киритилган тадбирларни амалга оширишни молиялаштиришнинг манбалари этиб тадбиркорлик субъектлари — лойиҳа ташаббускорлари, вазирлик ва идоралар — ижрочиларнинг ўз маблағлари, жалб этилаётган тижорат банкларининг кредитлари,

Таълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш бўйича вертикал тизим яратилиб, вазириликдан ҳудудларга 14 нафар, ҳудудий халқ таълими бошқармаларидан туман ва шаҳарларга 195 нафар, туман ва шаҳар халқ таълими бўлиmlаридан ҳар бир мактабга масъуллар бириктирилди.

Бу йил 1-синфга қабул қилинадиган 650 минг нафар ўқувчи учун «Президент совғаси» сифатида 12 номдаги ўқув қуроллари солинган мактаб сумкалари тайёрланиб, жойларга тўлиқ етказилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни таллаб олиш ва уларни олий таълим муассасаларига мақсадли тайёрлашни ташкил этиш учун ҳар бир олий таълим муассасаси ҳузурида биттадан академик лицей очил ва фаолиятини йўлга қўйиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари тармоқ вазирилик ва давлат қўмиталарига бириктириб берилди.

10-11-синфлар жорий этилиб, коллежларда контингент қисқариши муносабати билан мавхуд моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш мақсадида 7 та коллеж ва академик лицей негизида янги 3 та олий таълим муассасаси филиаллари ва 1 та олий таълим муассасаси ташкил этилмоқда.

Мулоқот чоғида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини ортқича ҳисоботлар, турли бюрократик топшириқлардан озод этиш, уларнинг илмий салоҳиятини таълим мазмуни ва сифатини янада яхшилаш, илмий-тадқиқот ишларига йўналтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз мактабга таълим муассасалари фаолиятини

тубдан яхшилаш, энг илғор хорижий тажрибани ўрганиш, ҳар жиҳатдан замонавий тизим яратиш масаласига тўхталиб ўтди. Болаларнинг қизиқиш ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда, уларга мактабга бўлган даврда ҳар томонлама пухта таълим ва тарбия бериш, дунёқарабини кенгайтириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, қалби ва онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириб бериш, шу орқали уларни она Ватанга муҳаббат, покиза орзулар руҳида қамол топтириш бугунги кундаги энг муҳим, энг долзарб масалалардан бири эканини таъкидлади. Зеро, фарзандларимизнинг мактабда қандай ўқиши, қандай юксак мақсадлар билан қамол топиши кўп жиҳатдан уларнинг мактабга таълим муассасасида оладиган тарбиясига боғлиқдир.

Мажлисда давлатимиз раҳбари томонидан мактабга таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, бошқарув тизимини ташкил этиш, мазкур муассасаларга болаларни 100 фоиз қамраб олишга қаратилган алоҳида дастур ишлаб чиқиш, бошланғич таълим муассасаларига қатор имтиёзлар бериш, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги малака ошириш институтларида таълим мазмунини сифат жиҳатдан тубдан ўзгартириш, уларни энг илғор олий таълим муассасалари таркибига ўтказиш орқали умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларига энг билимли ва тажрибали профессор-ўқитувчилар таълим беришига эришиш борасида муҳим вазифалар белгилан берилди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига 25 августга қадар барча таълим муассасаларини янги ўқув йилига ва куз-қиш мавсумига сифатли тайёрлаш ҳамда Инвестиция дастурига киритилган таълим объектларида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини якунлаш, қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича мутасадди ташкилотлар раҳбарларига кўрсатма ва топшириқлар берилди.

ЎЗА

жойлардаги бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф қилишга қаратилган ишлар самарадорлигини ўрганишни ташкил этиш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа ташаббускорлардан тушадиган тематик кўнгилочар боғлар, маданият объектлари (миллий музейлар, галереялар), туристик-рекреацион ҳудудлар ва кластерлар ташкил этиш, сайёҳлик намоийшининг алоҳида объектларини қуриш ва имижга доир бошқа лойиҳаларни амалга ошириш бўйича чет эл ва мамлакатимиз сармоядорларининг маблағлари, тижорат банклари кредитлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг бюджетдан ташқари маблағларини жалб қилиш ҳисобида туризм соҳасида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва соҳа билан боғлиқ инфратузилмани ривожлантириш учун давлат қўмағини олишга доир тақлиф ва бююртмаларни ҳар йили кўриб чиқиш.

► Даовми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ ХОРИЖГА ЧИҚИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР МУҲИМ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида замонавий инновация технологиялари қўлланилган ҳолда тайёрланган биометрик паспорт тизимини жорий қилиш бўйича кенг қўланилиш ишлар амалга оширилди.

Мазкур тизим Ўзбекистон Республикаси фуқароларини шундай ҳужжатларни тайёрлаш бўйича Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) тавсиялари ва бошқа халқаро стандартларга мос келадиган биометрик ҳужжат билан таъминлаш имконини берилади.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси ИКАОнинг тегишли ахборот ресурсига қўшилди ва бу мамлакатимизнинг ваколатли органларига давлат чегарасидан ўтиш пунктларида хорижий давлатларнинг биометрик ҳужжатлари ҳақиқийлигини автоматик тарзда текшириш имкониятини яратди.

Ўзбекистон Республикасининг биометрик паспорт тизимини мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг самарадорлиги ва тезкорлигини ошириб, давлат чегарасидан ўтишда фуқаролар шахсини идентификация қилиш тартиби-таомилларини соддалаштирди, «Электрон ҳукумат» тизими фаолияти доирасида интерфаол давлат хизматларини кўрсатишга хизмат қиладиган жисмоний шахсларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантиришни таъминлади.

Шу билан бирга, айни пайтда фуқароларимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо айрим мамлакатлардан ташқари, дунёнинг барча давлатларига чиқиши учун биометрик паспорт билан биргаликда рухсат ёзуви қайд этилган икки йиллик стикерини расмийлаштириши зарур. Ушбу стикер Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг эркин ҳаракат қилишига ҳалақит бераётган муайян омил ҳисобланади.

Бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиш шундан далолат берадики, бугунги кунда дунёнинг деярли барча давлатларида ички ва ташқи фойдаланиш учун мўлжалланган икки турдаги ҳужжат қўлланилмоқда. Бунда хорижга чиқиш учун асосан электрон ахборот манбаига эга китобча шаклидаги паспортдан фойдаланилмоқда ва рухсат берувчи бошқа миллий ҳужжатлар расмийлаштирилмайдми.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, хорижга чиқиш тартибини янада такомиллаштириш, аҳолига қулай шароитлар яратиш, хорижга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришда бюрократик тўсиқлар ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш, ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддатини узайтириш, фуқароларнинг давлат чегарасидан ўтказиш пунктларида паспорт назоратидан ўтиш тартиби-таомилларини тубдан соддалаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг 2019 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини жорий этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

2. 2019 йилнинг 1 январидан хорижга чиқиш учун рухсат ёзуви стикерини расмийлаштириш тартиби бекор қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг амалда қўлланилаётган 2011 йилги намунадаги биометрик паспортининг эгасининг шахси ва фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилади;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2021 йилнинг 1 январига қадар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, кириш визаларини расмийлаштириш талаб этилмайдиган давлатлар ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг амалда қўлланилаётган 2011 йилги намунадаги биометрик паспортини фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикасидан чиқиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг

халқаро шартномаларига мувофиқ, кириш визаларини расмийлаштириш талаб этиладиган давлатлар ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг амалда қўлланилаётган 2011 йилги намунадаги биометрик паспортдан фойдаланган ҳолда, ундаги рухсат ёзуви стикерининг амал қилиш муддати тугагунга қадар Ўзбекистон Республикасидан чиқиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, кириш визаларини расмийлаштириш талаб этилмайдиган давлатларда бўлиш ва ушбу давлатлар ўртасида ҳаракатланишда паспортнинг амал қилиш муддати тугагунча ҳақиқий ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, кириш визаларини расмийлаштириш талаб этиладиган давлатларда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун кириш визаларини расмийлаштириш талаб этиладиган бошқа давлатларда бўлиш ва ҳаракатланиш учун паспортнинг амал қилиш муддати тугагунча ҳақиқий ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, кириш визаларини расмийлаштириш талаб этиладиган давлатларга кириш учун ҳақиқий ҳисобланмайдми. Фуқароларнинг қайд этилган ушбу тоифаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ кириш визаларини расмийлаштириш талаб этиладиган давлатларга кириш учун биометрик паспортини расмийлаштириш тартиби-таомилларини тубдан соддалаштириш мақсадида:

фуқароларни қабул қилиш, маълумотлар тўплаш ва Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини олиш бўйича электрон аризасини расмийлаштириш ва кейинчалик персоналлаштирилган ҳужжати бериш ишларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг миграция ва фуқаролик расмийлаштириш бўлими-лари, Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармаси ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини расмийлаштириш маркази амалга оширади.

4. Маҳкамаси (А.Арипов) 2017 йилнинг 1 декабрига қадар Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти Давлат стандартини тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (А.Азизов) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Ташқи ишлар, Мудофаа, Халқ таълими вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати билан биргаликда 2018 йилнинг 1 январига қадар мазкур Фармон талабларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисида янги таҳрирдаги низоом лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси (С.Худойкулов) Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказининг бююртмалари бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти буклетини тасдиқланган Давлат стандартига мувофиқ ўз вақтида тайёрласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази (Н.Тўраҳўжаев) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Ташқи ишлар, Мудофаа, Халқ таълими, Ахборот технологиялари ва коммуникцияларини ривожлантириш вазирликлари ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати билан биргаликда:

амалдаги биометрик паспорт тизими базасида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини муомалага киритишга қаратилган ташкилий-техник тадбирлар комплекси ўз вақтида ўтказилишини таъминласин;

2018 йилнинг 1 декабрига қадар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Б.Хўжаев) ва Иқтисодиёт вазирлиги (Г.Саидова) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази ва бошқа алоқадор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2017 йилнинг 1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий қилишга қаратилган ишларни молиялаштириш манбалари тўғрисидаги масалани ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш учун киритсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (Б.Алиқонов) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Қўчқоров) оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз аҳолиси ўртасида ушбу Фармон қондаларини кенг ёритиш бўйича мақолалар эълон қилиниш ва мавзуга оид кўрсатувлар эфирга узатилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (А.Комилов) муомалага киритилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти ва Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспортининг амал қилиш муддати ҳақида Халқаро фуқаро авиацияси, Халқаро стандартлаштириш ташкилоти ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларини ўрнатилган тартибда хабардор қилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси (Р.Эминжонов) 2019 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мазкур Фармон талабларига мувофиқ хорижга чиқишини ўрнатилган тартибда назорат қилиш-ни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (А.Азизов) Ташқи ишлар ва Адлия вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва тегишли халқаро шартномаларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида тақлиф киритсин.

13. Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши қотиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 16 август

Қабул қилинган ушбу фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2019 йилнинг 1 январидан хорижа чиқиши учун муомалага киритилаётган биометрик паспорти ва Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспортининг амал қилиш мuddати ҳақида Халқаро фуқаро авиацияси, Халқаро стандартлаштириш ташкилоти ва хорижий давлат ҳукуматларини ўрнатилган тартибда хабардор қилиш топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА
ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз ўзининг бой бадий мероси билан жаҳон санъати ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган қадимий цивилизация ўчоғи сифатида миллий бадий аъёнларнинг ўзига хослигини сақлаб келаётгани дунёнинг етакчи санъат мутахассислари томонидан эътироф этилган.

Бугунги кунда замонавий ўзбек тасвирий санъатига қўлаб ёш истеъдод эгалари кириб келаётгани, турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган ижодкорлар, хусусан, расом ва ҳайкалтарошлар, халқ усталари ижодида янгича мазмун ва шакл, жаҳон санъат майдонида муносиб ўрин эгаллашга интилиш тенденциялари кўзга ташланаётганини ижобий баҳолаш лозим.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар талаб даражасида эмаслиги, соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳамда моддий-техник базанинг мукаммал эмаслиги, малакали кадрлар етишмаслиги бу борадаги ишларнинг самарасига салбий таъсир этмоқда.

Ўзбек тасвирий ва амалий санъати ҳамда дизайн йўналишларини янада ривожлантириш, халқимизнинг ушбу нафис санъатларга бўлган эстетик эҳтиёжини қондириш, кенг йўналишда фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг ижодий имкониятларидан унумли фойдаланиш, уларга шарт-шароит яратиш, бадий салоҳиятини ошириш, замон талабларига мос бадий таълим тизимини кенг йўлга қўйиш ҳамда Ўзбекистон Бадий академиясининг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Бадий академиясининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Бадий академиясини марказий аппаратининг бошқарув ходимлари умумий чекланган сони 21 кишидан иборат тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Бадий академиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмасининг тузилмаси 5-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Бадий академияси раисига зарур ҳолларда, марказий аппарат ҳамда Ўзбекистон Бадий академиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими тузилмасига ходимларнинг чекланган умумий

сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон Бадий академиясининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, шахсий ва ижодий кўргазмалар учун кенг имкониятлар яратиш бериш ҳамда ижодкорларнинг бадий салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

жаҳондаги етакчи бадий академиялар, ушбу йўналишдаги таълим муассасалари, ташкилотлар, атоқли маданият ва санъат арбоблари билан илгор тажрибалар алмашиш мақсадида ҳар томонлама ижодий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

ижодкорлар ва истеъдодли ёшларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

халқимизнинг бой маданий меросини, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн аъёнларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмасининг (кейинги ўринларда — Бадий ижодкорлар уюшмаси деб юритилади) фаолиятини мувофиқлаштириш;

тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишидаги ижодкорларни миллий ўзлигимизни англаш гоёларини тараннум этувчи юксак даражадаги ёрқин санъат асарларини яратишдаги фаолиятини рағбатлантириш ва болалар санъатини ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Бадий академияси тизимидаги таълим муассасаларининг фаолиятида бадий таълим узвийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлашга эришиш мақсадида ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари ва ўрта махсус таълим муассасалари учун бошланғич бадий таълимни йўлга қўйиш;

Ўзбекистон маданияти ва санъатининг тарқиқоти йўлида тасвирий ва амалий санъат, дизайн ва халқ ҳунармандчилиги соҳалари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Бадий академияси тизимидаги таълим муассасаларининг фаолиятини хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш;

тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишида етук мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш. Ўзбекистон Бадий академияси марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолиятини кучайтириш, бу борадаги вазифаларни амалга оширишнинг замонавий, таъсирчан усул ва шакллари тизимли асосда ривожлантириб бориш;

Ўзбекистонда ва хорижда кенг қўламдаги кўргазмалар ташкил этиш орқали миллий санъатимиз ютуқларини дунё жамоатчилигига танитиш, конференция, биеналелар ва бошқа анжуманлар ўтказиш.

3. Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва

Фанлар академиясининг мамлакатимиз музейлари фондларини мустақиллик йилларида яратилган юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарлари билан мунтазам бойитиб бориш ва асарлар баҳосини уларнинг ижодий ва моддий қийматидан келиб чиққан ҳолда белгилаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қошида Бадий экспертлар кенгаши ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига мустақиллик йилларида яратилган, юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарларини сотиб олиш учун 2018 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 1 миллиард сўм ва «Ўзвино-санатхолдинг» компаниясининг ташаббуси билан хайрия асосида 1 миллиард сўм маблағ ажратиш тўғрисидаги тақлиф маъқуллансин.

4. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Бадий академиясининг раиси мақоми, моддий, маъшый, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари бўйича — вазирга, унинг ўринбосари ва бош илмий котиб — вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қошидаги Бадий экспертлар кенгашининг таркиби ва Низоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

мустақиллик йилларида яратилган юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарларини сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари 2019 йилдан бошлаб энг кам иш ҳақи микдорининг ўртача йиллик ўсиш кўрсаткичларига оширилган ҳолда ажратилади;

мустақиллик йилларида яратилган юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қошидаги Бадий экспертлар кенгашининг қарорига асосан сотиб олинади;

2018 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Бадий академиясининг ҳақиқий аъзолари учун энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдоридан ойлик гонорар тўлаш тизими жорий қилинади ҳамда ушбу гонорарлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигидан озод қилинади;

Ўзбекистон Бадий академиясининг ҳақиқий аъзолари Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларига белгиланган имтиёزلардан фойдаланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ва қонунчиликда

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2017 йил 16 август

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва
янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига
ШАРҲ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида бадий ижоднинг бошқа турлари қатори тасвирий санъат соҳаси ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилюмоқда.

Бу борада, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 23 январда имзоланган «Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш ҳақида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартда қабул қилинган шу йўналишдаги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур тарихий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифалар асосида Бадий академия томонидан ўтган йигирма йил мобайнида тасвирий санъат соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, расомлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий маънафатларини рўйбга чиқариш, ёш расомларни тарбиялаш борасида кўп ишлар қилинди.

Бу ҳақда сўз борганда, Бадий академия таркибида тасвирий санъат соҳаси бўйича миллий таълимнинг кўп босқичли тизими шакллантирилгани, «San-at» журнали ташкил этилиб, у 1998 йилдан бунунгача — ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп этилаётгани, бой бадий меросимиз ва замонавий тасвирий санъатимизнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларнинг моддий, илмий-услубий базаси мустаҳкамланганини таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, халққаро ҳамкорлик доирасида хорижий маданият ва санъат арбоблари билан учрашув ва мулоқотлар ўтказиш бўйича ўзига хос тизим шаклланиб, мамлакатимизнинг қўлаб расомлари халққаро анжуман ва кўргазмалар, фестивал ва танловларда катнашиб, нуфузли ўринларни қўлга киритаётгани, ўнлаб ижодкорлар давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлгани ҳам Бадий академия фаолияти билан бевоқифа боғлиқ.

Айни вақтда ҳозирги жадал суръатлар билан ривожланаётган даврнинг ўзи тасвирий санъат соҳасини янада тараққий эттириш, унинг бугунги кундаги ўрни ва мавқеини ошириш, Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини такомиллаштириш талаб этаётганини эътироф этиш лозим.

Айниқса, тасвирий санъат ижодкорларининг имконият ва салоҳиятини тўлақонли юзага чиқариш, рангтаъсир ва амалий санъат асарларининг юксак сифатини таъминлаш борасида кейинги пайтларда долзарб муаммолар тўғрисида қолгани, жумладан, соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, мавжуд моддий-техник базанинг ноқурилиги, малакали кадрлар етишмаслиги, халққаро ижодий ва илмий алоқаларни ривожлантириш ҳамда ижодкорларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва истеъдодли ёшларнинг ижодий имкониятларини кенгайтиришда юзага келаётган сусткашликлар мазкур соҳага давлатимиз томонидан эътиборни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Маълумки, 2017 йил 3 август кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувда тараққийотимизнинг ҳозирги босқичида маданият, адабиёт ва санъат соҳасини, жумладан, тасвирий санъат йўналишини ривожлантириш борасидаги долзарб вазифаларни белгилаб, уларни ҳал этиш йўлиларини кўрсатиб берди. Ўтган қисқа муддатда ана шу тақлиф ва ташаббусларни амалга ошириш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан 10 га яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Куни кеча имзоланган «Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор шу йўналишдаги яна бир муҳим ҳужжат бўлди.

Қарорда халқимизни тасвирий санъат намуналаридан баҳраманд этиш ва дизайн йўналишида фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг ижодий имкониятларидан унумли фойдаланиш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, санъат асарларида миллий ва умуминсоний аъёнларни юксак даражада ифода этишга эришиш, юртимизда ўтказилаётган кўргазмаларнинг бадий савиясини ошириш, расомлик ва дизайн соҳасига ихтисослашган таълим тизимини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш борасида муҳим вазифалар белгиланди.

Шунингдек, жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга бўлган ўзбек тасвирий ва амалий санъати мактабларининг аъёнларини сақлаш ва давом эттириш, замонавий дизайн йўналишлари бўйича фаолият юритаётган истеъдодли ёшларни қўлаб-қувватлаш ҳамда Ўзбекистон Бадий академиясининг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг янгиланган ташкилий тузилмаси тасдиқланди.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, мазкур қарор асосида Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури ва мазкур дастурни амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби тасдиқланди.

Қарорда мамлакатимиз маданий ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қанча масалаларга алоҳида эътибор берилган. Жумладан, Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини янада ривожлантириш мақсадида жаҳондаги етакчи бадий академиялар, ушбу йўналишдаги таълим муассасалари, ташкилотлар, маданият ва санъат усталари

таъқилланмаган бошқа манбалар Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

6. Бадий ижодкорлар уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлимлари галереяларини сақлаш харажатлари, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш харажатларини молиялаштириш манбаси этиб Ўзбекистон ижодкорларини қўлаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фонди (кейинги ўринларда — Фонд деб юритилади) маблағлари ва қонунчиликда таъқилланмаган бошқа манбалар белгилансин.

Бунда Бадий ижодкорлар уюшмасининг ҳудудий бўлимлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Фондга ажратиладиган бюджет маблағлари (субсидия) ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Бадий ижодкорлар уюшмаси ҳудудий бўлимларининг ҳудудий галереяларда жойлаштирилишини ҳамда уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

мустақиллик йилларида яратилган юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарларини сотиб олиш учун зарур маблағларни 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари шакллантирилганда ажратилишини назарда тутсин;

Ўзбекистон Бадий академияси марказий аппаратида 2 та шахсан бириктирилган ва 1 та навбатчи хизмат автотранспорти сақлаш учун лимит ажратсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1 ой муддатда:

Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

Қамолиддин Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институти ҳудудида Ўзбекистон Бадий академияси биносини қуриш ишларини ташкиллаштирсин ва ушбу бинода расомлар учун тажриба устaxonасини ташкил этиш кўзда тутилсин.

10. Ўзбекистон Бадий академияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

Айни вақтда Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Фанлар академиясининг мамлакатимиз музейлари фондларини мустақиллик йилларида яратилган юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарлари билан мунтазам бойитиб бориш ва асарлар қийматини ижодий ва моддий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда белгилаш қайд этилган.

Шу билан бирга, қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қошида Бадий экспертлар кенгашини ташкил этиш, мустақиллик йилларида яратилган юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қошидаги Бадий экспертлар кенгашининг қарорига асосан сотиб олиниши таъкидланган.

Шунингдек, 2018 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Бадий академиясининг ҳақиқий аъзолари учун энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдоридан ойлик гонорар тўлаш тизими жорий этилади ва ушбу гонорар маблағлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигидан озод қилинади.

Мухтасар айтганда, мазкур қарор Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини тубдан такомиллаштириш, унинг иш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ижодкорларни ҳар томонлама моддий ва маънавий рағбатлантириш, истеъдодли ёшларнинг ижодий имкониятларини кенгайтириш, расомлик ва дизайн санъати соҳасида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, халқимизнинг тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги бадий меросини асраш ва кейинги авлодларга етказиш, юртдошларимизнинг тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги эстетик эҳтиёж ва талабларини қаноатлантиришда бу ҳужжат кенг имкониятлар яратиб беради.

Кўргазма

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида мустақиллигимиз асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган фотокўргазма ҳамда унинг портретини яратиш бўйича ижодий танлов натижаларига бағишланган бадий кўргазма очилди.

БУЮК
СИЙМОГА
МЕҲР-
МУҲАББАТ
ИФОДАСИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ўтказилган тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, санъатшунослар, мусавирлар, журналистлар иштирок этди.

Фотокўргазма ва ижодий танлов Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ислон Каримов Ватанимизни мустақил ривожлантаётган замонавий демократик давлатга айлантирди. Узоқни кўра олиш, сиёсий билимдонлик, олижаноб инсоний фазилатлари билан нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган буюк шахс ва давлат арбоби Ислон Каримовнинг сиймосини яратиш ҳар бир ижодкор учун катта масъулият ва улкан шарафдир.

Кўргазма экспозициясидан жой олган «Ислон Каримов галлазорда», «Ислон Каримов ёшлар даврасида», «Саид Аҳмад ва Ислон Каримов», «Ислон Каримов санъаткорлар даврасида», «Ислон Каримов ҳарбийлар даврасида», «Ислон Каримов ва Владимир Путин», «Ислон Каримов ва Нурсултон Назарбоев» каби қирққа яқин сараланган суратларда Биринчи Президентимизнинг сермазмун ҳаёти ва фаолияти акс этган.

Кўргазма доирасида Биринчи Президентимизнинг портретини яратиш мақсадида жорий йилнинг 31 июлига қадар ўтказилган ижодий танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Танлов натижаларига кўра, биринчи ўринга Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми Баҳодир Жалолов сазовор бўлди. Иккинчи ўрин Зебинисо Шарипова ва учинчи ўрин Мақсуд Қосимовга насиб этди.

Бу ижодий танловда халқимиз ва биз, мусавирлар учун нихоятда қадри ва ардоқли бўлган Ислон Каримов сиймосини тасвирларда намоиш қилиш имконига эга бўлди, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми Баҳодир Жалолов. — «Қаҳрамон», «Янги кунни ардоқлаб», «Муҳаббатдан юксак муҳаббат йўқ», «Еруғлиқнинг тун билан кураши» ва «Ўзи билан ўзи юзма-юз» деб номланган чизмаларимда мустақиллик йилларида Ислон Каримов ва халқимиз босиб ўтган шарафли йўлни фалсафий тасвирлашга уриндим. Танлов ғолиби бўлганимни буюк шахсга чин маънодаги меҳр-муҳаббатим ифодаси, деб биламан.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎзА мухбири.

ТҶҲЛАРИМИЗНИ ИХЧАМ ВА



Сафар ОСТОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
ва «Голос Узбекистана»
газеталари Бош муҳаррири:

— Ҳурматли давра суҳбати иш-тирокчилари, хабарингиз бор, яқинда Президентимиз ижод аҳли билан бўлган учрашувда жамиятимизда мавжуд бўлган бир қатор ўткир муаммолар ҳақида фикр юритиб, хусусан бугунги тўйларимизда даб-дабозлик, исрофгарчиликлар бўлаётгани, турли-туман иллатлар ўйлаб топилаётгани ҳақида куйиниб гапирди. Аччиқ мисолларни келтирди. Миллий қадриятларимиз, маданиятимизга ёт бўлган бу иллатларга бутун жамоатчилик эътибори қаратилди. Бугунги давра суҳбатимиз ана шу долзарб, оғриқли мавзуга бағишланади.

Тошкентда тўйдан олдин мебель олиш қиз томоннинг зиммасига юкланади. Ҳозир бу иллат вилоятларга ҳам етиб борди. Узоқ қишлоқларда ҳам қиз томондан мебель талаб қилиш кучайиб бораётган. Қўн келишмовчиликлар ана шундан бошланапти. Вилоятларимизда «Ўзига хос удумлар» пайдо бўлаёпти.



Абдулҳамид ЖУМАНОВ,
Шайхонтоҳур тумани,
«Ўзбекистон» маҳалласидаги
Доруссалом жомеъ масжиди
имом хатиби:

— Президентимизнинг тўйлар ҳақидаги фикрларидан ҳаммамиз хулоса чиқариб олишимиз керак.

Яхши урф-одатларимиз кўп. Аммо тўй қилиш бўйича аниқ меъзоилар, тавсиялар йўқлиги учун ҳамма ҳар томонга тортиб кетяпти. Натижада ҳар хил ортиқча харажатлар пайдо бўла бошлади.

Тўй қандай даражада бўлишини ҳар икки қудда келишиб белгиласа, яхши бўларди. Бугун соф урф-одатларимиздан, миллийлигимиздан келиб чиқиб, маҳалла фуқаролар йиғини, оксоқоллар, депутатлар бамаслаҳат муайян бир қондани ишлаб чиқсак, тўйларни тартибга солишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Барча миллий анъаналаримиз замирида, яхшилик, эзгу-мақсад, чиройли шакл, кўриниш бўлган. Лекин орадан вақт ўтиши билан айримлар тўқлиққа шўхлик, ўзини кўрсатиш, мактаниш учун янги одатларни ўйлаб топа бошлади. Масалан, чилла нима дегани? Чилладан мақсад — янги келин-куёвни ҳимоя қилиш бўлган. Унинг замирида куёв кечаси кўча-қўйда юрмасин, кўпроқ аёлининг ёнида бўлсин, чунки келин оилага янги келган, унга ўргансин, ўзини ёлғиз сезмасин, деган эзгу мақсад ётади. Келин бўлиш 40 кун давомиде куёвнинг уйдаги муҳитга, оиласига, янги даврага қўниб,



Саидқарим АБДУВАЛИЕВ,
Юнусобод тумани, «Ифтихор»
маҳалласи раиси:

— Ҳозир ресторанларда ўтказилаётган тўйларда одам бошига ўртача 165 минг сўм тўланапти. Бу нима деган гап? Бунча маблағни кимнинг чўнтаги кўтарди-ю, кимники кўтармайдиган? Ўзингиз ўйлаб кўринг, бир одам 3 соат давом этадиган тўйда қанча таом истеъмол қилиши мумкин? Бунидан ташқари, ресторан менюсида яна ҳар хил қимматбаҳо оватлар тавсия қилинмоқда. Агарда улар ҳам дастурхонга қўйилмаган бўлса, нарх ана ошиб кетаверарди. Шунча пул сарфлаш ўрнига тўй ихчамлаштирилган ҳолда қилинса, дастурхонга

Президентимиз маърузасида таъкидлаганидек, тўй бир одамнинг, оиланинг шахсий иши эмас. Тўй — бу тарбиявий масала, тўй — бир оиланинг қандай яшаб кетишига таъсир қиладиган, тақдирини ҳал этадиган масала.

Қудалар ўртасидаги келишмовчиликлар кўпинча тўйдан олдин бошланапти. Тўй ўтади, низо бошланади. «Олиб келган мебели арзон экан, менга ёқмади, машинадан туширманг, орқага қайтаринг», — дейди куёв бўлишнинг онаси... Президентимиз айтганидек, кўп одамлар тўйдан кейин инсулт ёки инфаркт бўлаяпти. Бу фожиаларга бефарқ қараш, эртага оғир оқибатларга олиб келади.

Бу иллатлар, дабдабозликлар пайдо бўлишнинг сабаби нимада? Уларни бартараф этиш учун нималар қилмоғимиз керак? Қандай механизмларни тақлиф эта оламиз? Тўй-маъракаларимизни ким тартибга солиши керак?



Шаҳноза НИЗОМОВА,
Учтепа тумани, «Боғичинор»
маҳалласи хотин-қизлар
қўмитаси раиси:



Гулчехра УМАРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими:

— Биринчи навбатда биров учун яшашни йўқотишимиз керак. Фалончининг тўйи зўр бўлди, писмадончининг тўйида ҳолати туғдиришидан тортиб, тинимсиз сигнал чалиб, одамларнинг гашига тегишига ҳам бефарқ қараймиз. Келинимизнинг европалашган кийимларига қарашга одам уялади. Ёки келин-куёвнинг тўйхонада бир-бири билан, ҳатто қайнона-қайнатаси билан вальс тушиши, келиннинг тўйда ашула айтиши қайси миллийлик, мусулмончилик ўлчовларига тўғри келади?

Яна бир оғриқли масала бор. Илгари келинларимизда шарқона ифбат, одоб-ҳаё, ийманиш бўларди. Бугун тўйларда келиннинг «гул отиши» одат тусига кирди. Ким ўйлаб топди, бундай уятсиз харажатларни... Келин-куёвнинг тўйда бирга рақсга тушиши кўнглимизни наш қилиб келарди. Ҳа, энди ёшларда, деб лоқайд қарардик. Бугун улар «танца» тушишяпти. Бизга нима бўлди ўзи, деб ўйлаб қолаяпмиз. Булар ахлоқ-одобимизга ёт эмасми, «оммавий маданият» кўриниши эмасми?..



Собир МҶМИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
артист:

— Буларнинг барчасига сабабчи ўзимиз. Яъни, аёллар томонидан йўл қўйиладиган исрофгарчиликларга аёллар, эркаклар томонидан йўл қўйиладиган камчиликларга эркаклар сабабчи. Биринчи навбатда, уларнинг ҳаммасини инсофга чақириш керак.

Маърифатдан, дин-диёнатдан оз-моз хабари бор, илмий инсон мактаниши ёмон кўради ва ақлсиз ишларни қилишга уялади. Бу иллатларга илмсизлик, савиясизлик сабабчи. Кейин бечора отанинг қўналиб, кечаси-ю-кундузи ишлаб, топиб келганини осонгина сарфлаётган хонадон соҳибаси сабабчи. Фалончи мана бунақа қилибди,

— Тўй бошланишидан олдин фотиҳа, унаштирув сингари маросимлар бор. Ҳар битта тадбирга камида 6 тадан тоғора олиб борилиши керак. Шунингдек, келинга, яқин қариндошларига сарпо кийдирилади. Қаранг, битта оқ ўрар ва фотиҳа тўйга қанча харажат қилинади. Энди, шунга яраша, қиз томон куёв томонидан келган 6 та тоғорага камида 10 та тоғора билан жавоб қайтариши керак. Бу нимани англатади? Манманлик, маърифатсизлик эмасми? Ортиқча харажат, ортиқча харажат, исрофгарчилик эмасми? Агар уларни ихчамлаштирсак, келин томонга ҳам, куёв томонга ҳам яхши бўлади-ку. Нега ҳеч қандай маъно-мазмунсиз одатларни ўйлаб топиб, бир-биримизни қийнаймиз, ортиқча муаммо туғдирамыз. Бу ташвишлар келин-куёв бахтига хизмат қилмайди-ку.



бўлишини талаб қилади. Ота-она нима қилади — қийналса-қийналади, лекин фарзандим бошқалардан кам бўлмасин, дейди.

Илгарилири бунақа бачкана-бозликлар бўлмаган. Қизга битта яхши кийим кийдириб, яхши тилаклар тиланиб, остонадан куёвниқига қўзатиб қўйилган. Келин салом, куёв навкар, чилла сингари маросимларимиз ҳам меъёрида бўлган. Тоғораларнинг кўпайиши, келин навкар, гул отиш, келин-куёвнинг тўйда намоиш этадиган «ишқий» муносабатлари, беҳаё юриш-туришлари миллий қадриятларимизни ерга уришдан бошқа нарсаси эмас. Буларнинг ҳаммасидан «оммавий маданият»нинг ёқимсиз хиди келяпти.

фалон тўйда ана ундай бўлибди, деб эшитиб, шуларга тенглашишга, улардан ошириб юборишга интилишди. Бу иллат, мени кичирасизлар, юқумли касалликка ўхшаб бир зумда тарқалиб кетяпти...

Илгари оила бошлиғи, хонадон эрқағи ош ёки никоҳ тўйини элдан баландроқ қилиб ўтказишни ўзига уят деб билган. Ҳозир эркаклар ҳам ё майдалашиб кетган, ёки мактанидиган бошқа нарсаси қолмаган, деган ҳаёлга борасан, киши.

Шунинг учун мактанмоқчи бўлган, ёки осон пул топган, ёки қийинчилик билан топган пулини қадрига етмаган, кимдандир қолмай, деб тўй қилаётган валломатини эл-улус бундай ёнига ўтказиб, озгина ақлини киритиши керак. Фалончидан қаерим кам, деб эрини эгловлаб турган аёлларимизни ҳам маърифатли аёлларимиз инсофга чақириши керак.

Бу ерда яна учинчи шахс иштироки борки, у оила сармосия, ота-она имкониятини ҳисобга олмасдан, «менга мана бу нарсани қилиб бера-сиз», деб отасига гапини ўтказадиган, онасини менсимайдиган фарзандлар кўпайиб бораётгани одамни қаттиқ ташвишлантиради. Буларнинг ҳаммаси — ўша оилада маънавий тарбия етарли бўлмаганидан далолат беради. Уларга биринчи навбатда оилада, маҳаллада, мактабда бу масалалар бўйича сабоқ бериш керак. Турли жамоат ташкилотлари бор, ёшлар тарбиясига масъул бўлган. Улардан нима иш қилишаётганини сўрайдиган пайт келди.

Абдулҳамид ЖУМАНОВ:

— Бизда тўй ҳақида битта нотўғри тушунча пайдо бўлиб қолган. Нима эмиш, тўй — бу қарз, ҳамма олди-бердилар қарз эмиш. Тоғора келдимиз, тоғора қайтариш, сарпо қилдимиз, сарпо қайтариш шарт-миш. Баъзи одамлар тўёна йиғиб олиш ниятида дастурхон

ёзиши ҳам бор гап. Холислик, самимият йўқ. Аслида тўйдан мақсад — ёш келин-куёвнинг турмуш қурганини эълон қилиш ҳолос, бошқа нарсани таъма қилиш керак эмас. Бу катта иллатлардан биттаси. Демак, бу ерда гаразли мақсад, нотўғри тушунча

турибди. Масалан, мен сизга яхшилик қилиш орқасидан ниманидир кутаман, бу мутлақо бўлмайдиган иш. Динда, шариатда бировга ҳадя бериш, бировни ҳолис таомлантириш, яхшилик қилиш остида ҳеч қанақа таъма кўзда тутилмайди.

Шу ўринда тўйларга беш-ўнталаб санъаткор таклиф этиш, тўйни концертга айлантириб юбориш ҳоллари ҳақида ҳам фикрлашсак...

Собир МҶМИНОВ:

— Қадимдан тўйларимизга тўй эгаси қайси санъаткорни яхши кўрса, ўшани олиб келган. Тўйда айтиладиган қўшиқлар ҳам тўйга мос бўлган. Маъноли-мазмунли, кишига маънавий озиқ берадиган, кўнглини яйратадиган қўшиқлар айтилган. Бугунги тўйларда шуларга ҳам эътибор берилмай қўйди. Ҳаттоки тўйларга ҳар томонлама маданиятчи санъаткор эмас, балки ҳамманинг қўшиғини фонограмма орқали худди ўзиникидек қилиб айтадиган отарчилар кўпроқ таклиф қилинапти.

Тўй — бу тарбия, тўй — бу тарғибот. Тўйда миллий урф-одатларимиз, миллий қўшиқларимиз намоиш қилинса, бу ёшлар тарбиясига ҳам ихобий таъсир қилади.

Менинг кузатишларимдан хулосам шуки, келиннавкар, вальс тушиш ва шу каби бошқа дабдабаларнинг оммалашishi негизи тўй бюроларига бориб тақалади. Тўй ҳаракатини бошлаб, келин-куёв учун машина буюртиришга тўй бюросига борсангиз, сизга турли-туман, янги-янги «маросимлар»ни таклиф қилишади, тикиштиришади, қизиктиришади...

Ҳозир ҳамма замонавий тўйлар шунақа ўтказилади, «севги тарихи» эсдалик бўлиб қолади, келиннинг дугоналари бир хил кийимда бўлса, чиройли бўлади, тортининг «ўзи юриб» келади-ганини олиб келамиз ва ҳоказолар деб бошингизни айлантиришади. Бу таклифларни эшитганидан кейин кўплар «майли» деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолади. Аслида улар тўйингиз чиройли, мазмунли ўтишини ўйлашаётгани йўқ, уларнинг дарди турли тадбирларни кўпайтириб, кўпроқ пулингизни олиш.

Ҳатто хорих мамлакатларининг турли хил иллатларини тўйларимизга тикиштираётганлар ҳам аввало тўй бюролари. Уларни назорат қилувчи ташкилот йўқ. Эътироз билдирсангиз, сизга лицензиясини рўқач қилади...



Муқаддам РАСУЛОВА,
Олмазор туман ҳоқими
ўринбосари, хотин-қизлар
қўмитаси раиси:

— Ҳозир ёшларимиз ихтимой тармоқларга кўп қиради. Уларда эса йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Билмилли йигит-қизлар яхши билан ёмонни фарқлайди. Аммо мустақил фикри йўқ, гўр ёшлар онги захарланади. Тармоққа қўйилган, манманликнинг яққол намоиши бўлган тўйлардаги исрофгарчиликларни, бойвачча ота-онанинг арзандаси бўлган келин-куёвларнинг қимматбаҳо мебель жиҳозларига, минг хил турдаги кийим-кечакларига, минган энг сўнгги русумдаги машиналарига ҳаваси келади. Вақти келиб, ўзининг тўйини ҳам шундай ўтказишини ота-онадан талаб қилади. Ҳатто айрим таникли санъаткорлар фарзандларининг дабдабали тўйлари ҳам интернет сайтларига жойлаштирилмоқда...

Собир МҶМИНОВ:

— Ижтимоий тармоқларда ўзини реклама қилиб юрган санъаткорлар, хонандами, актёрми ёки бошқам, у билан икки оғиз савол-жавоб қилинг, шу одамнинг савияси, дунёқарashi, фикрлаш даражаси қандай эканлигини биласиз. Буларнинг ҳаммаси саводсизликдан, фикр-сизликдан, китоб ўқимаганликдан, устоз кўрмаганликдан келиб чиқади. Одам қайсидир бир соҳада ном чиқариб, машҳур бўлиши мумкин, лекин унда маданият, маънавият бўлмаслиги мумкин. Билим-савия йиллаб, мисоллаб йиғилади.

Муқаддам РАСУЛОВА:

— Тўйларимизнинг дабдабага айланиши сабабларидан бири — тўй маҳалладан чиқиб кетди. Бир пайтлар ҳамма тўйни уйда қилар эди. Маҳалладан самовар, қозон олиб келинади эди, тўй эгаси маҳалла фаолларини маслаҳатта чақирарди. Ҳозир шаҳарнинг бу четиде яшаётган тўй эгаси шаҳарнинг у четидеги дангиллама ресторанда тўй қилади, буни ҳатто маҳалла фаоллари ҳам билмай қолади. Майли, бугун замон ўзгарди, муҳташам тўйхоналар хизматимизга тайёр. Энди тўй-ҳашамлар комиссиясини маҳалла-ларда қайтадан тиклаш керак. Аввал бор эди. Жамоатчилик барбир катта куч. Шунингдек, аҳоли ўртасида маънавият тарғиботини доимий олиб боришимиз керак. Барчамиз маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар ташкилоти, ОАВ бир бўлиб мана шу ишни қилишимиз, аҳоли онгига етказишимиз керак.

Илгари оила бошлиғи, хонадон эрқағи ош ёки никоҳ тўйини элдан баландроқ қилиб ўтказишни ўзига уят деб билган.

КАМТАРОНА ЎТКАЗАЙЛИК



Шаҳодат ИНОФОМОВА,
ЎЗХДП Олматор туман кенгаши
«Фаол аёллар» қаноти етакчиси:

— Боя тўғри айтилди, ҳозир дабдабали тўйлар рекламиси кучайиб кетяпти. Тўй бюроси деган фирмалар кўпайиб кетган, ҳамма ортиқча сарф-харажатларни ўшалар ўйлаб топаёпти. Пули бор бойвачча улар томонидан таклиф этилган бачкана хизматларни қабул қилади, жаражатиб пулини тўлайди. Иқтисодий имконияти камроқ кўёв томон ана шу тўй бюроси томонидан қилинган хизматларни чўнтаги кўтармайди, бундан келиннинг олдида ҳолат бўлади. Қарз кўтариб бўлса ҳам, тўйи бошқалардан кам бўлмаслигига интилади, яқинларидан қарз олишга мажбур бўлади.

Бундан ким азият чекади? Албатта биринчи навбатда ота-она, ёш оиланинг ўзи. Чунки тўйдан кейин оилада муаммолар пайдо бўлади... Булар ҳақида кўпроқ гапиришимиз, тарғиботни кучайтиришимиз керак.

Кўриб-билиб юрибмиз, бадавлатроқ одам ёки машҳур санъаткорнинг дабдабали тўйи дарҳол интернетга қўйилапти. Ҳозир ҳамманинг қўлида телефон бор, интернетдан кўради, кейин шундай тўйларга айрим ёшлар ҳавас қилади-да! Нега биз бунга томошабинмиз? Уларга қарши тарғибот ишларини олиб боришимиз керак.

Абдулҳамид ЖУМАНОВ:

— Тўй масаласида шариатда ҳеч қандай олди-берди, пул-маблағ аралашган жойи йўқ. Афсуски, пул билан боғлиқ ҳар хил иллатлар ҳамон яшаб келаяпти. Масалан, сут пули нима дегани? Чукүрроқ суриштириб борсангиз, авомнинг тушунчаси онаси фарзандига сут эмизгани учун бериладиган пулдан нарига ўтмайди. Буни чуқурроқ тушунтириб берадиган одамнинг ўзи йўқ. Биринчидан, она сутининг баҳоси бўлмайди, у асло пул билан ўлчанмайди. Иккинчидан, кўёвга сут пулини тўлаш мажбурий эмас. Қалин масаласи ҳам мажбурий эмас, қадимий урф-одатларимиздан келиб чиқадиган бўлса, бу келин томонга тўй-харажатларини енгиллатиш маъносида ўзига хос кўмак бўлган.

Агар маълум миқдордаги маблағ ҳақиқатдан ҳам кўмак мақсадида бериладиган бўлса, бу жуда яхши одат. Сиз киз

ўстирдингиз, улғайтирдингиз, энди тўй қиялсиз, шунга олиб, кам-кўстларга ишлатарсиз, дейилса, бу бошқа гап. Лекин мажбуриятга айланса, фалон пул берасан, деб туриб олинса, бу бир томонни қийнаш, машаққатга солиш бўлади.

Дабдабали, ном чиқаришга қилинаётган тўйларнинг асосий сабаби — хирс. Хирс бор экан, тўйдаги исрофгарчиликни меъёрга солишнинг имкони йўқ. Хирснинг меъёрга солиш керак. «Шундай тўй қилгинки, одамлар умрбод эслаб юришсин, йиллаб гапиришсин. Кимдан каминг бор, сендан камбағалроқ одам ҳам данғиллама тўй қилмоқда, одамлар олдида обрўингни кетказма», — деб, хирсимизни уйғотишади.

Бу иллат — хирс. Хирс тарбиялаш керак. Хирснинг ўлдириш керак. Хирснинг йўқотсак, ҳамма иллатлар барҳам топади.

Саидқарим АбДУВАЛИЕВ:

— Келин-куёвни тўй куни олиб юрадиган иномарка машиналари русумига қараб баҳоланади. Энг паст 50 доллардан бошланади. Ўртача 400 доллар, энг қиммати 800 долларгача бор. Бу турган-битгани ортиқча сарф-харажат.

Маҳалламиз ҳудудда 447 хонадон бор. Энди, ҳаммага тўйингни тартибли, содда-чиroyли қилиб ўтказгин, десангиз, сенинг нима ишинг бор, дейдиганлар ҳам

топилади. Ҳозир айнан мана шу нарсаларга қарши курашиш масаласида ФХДдан ўтишда маҳалладан маълумотнома олиб келиш кераклиги ҳақида кўрсатма бўлди. Бу нима дегани? Демак, бундан бунд биз ҳамма тўйлардан ҳабардор бўламиз. Тўйни қаерда қиялсиз, неча кишини қақиргансиз, қандай ўтказмоқчисиз, деб сўрай оламиз. Маҳалладаги ўзига тўқ оила тўйини сал ихчамроқ қилса, ундан бошқалар ҳам ибрат олади.

Тўй меники, ўзим биламан, сен аролашма дейдиганлар ҳам бор деяпмиз. Бундайларни тартибга чақириб ўқиниш учун нима қилмоқ керак?



Ҳанифа САИДАЗИМОВА,
Учтепа тумани,
«Бешиқайрағоч» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси
маслаҳатчиси:

— Маҳалламизда 8056 нафар аҳоли истиқомат қилади. Худудимизда 22 кўча бор. Мана шу кўчаларда обрўли, кўпни кўрган инсонлар яшайди. Маҳалламиздаги қайноналар кенгашига катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган онахонларимизни сайлаб қўйганмиз.

Маҳаллада тўй қиладиган инсонлар кўчабоши ҳамда фаол онахонларимиз, поликлиникадаги шифокорларимиз билан бамаслаҳат иш тутишади. Мана шу яқин

кунлар ичида маҳалламизда 12 та тўй бўлди. Тўй қилганларнинг икки нафари ҳақиқатдан гапимизга қўлоқ солимайдиган кишилар эди. Улар барибир айтганимизга қирмай, ўзини билганидан қолмай, дабдабали тўй қилмоқчи бўлди. Уларни қақиртириб, ўртага олиб, тушунтириб, тартибга олди, бошқа иложлари қолмади. Агар маҳаллани хўрмат қилмаса, тан олмаса, унда биз ҳам шунга яраша муносабатда бўлишимиз айтди.

Фаол онахонларимиз турмушга чиқаётган қизларимиз билан суҳбат ўтказишяпти. Ўзига хос тарзда тушунтириш ишлари билан тўйларимизни ихчам, ортиқча сарф-харажатсиз ўтказиш масаласида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораёпмиз. Бунинг озми-кўпми самараси бўляпти. Мана, яқинда маҳалламизда яна битта тўй бўлиб ўтади. Шу хонадон келин тарафга мебель олдирмади. Ҳамма харажатларни қудалар биргалликда бамаслаҳат қилишга келишиб олишди. Айтмоқчиманки, қудалар ҳамжиҳатлиги оғиз бирилганда, бир-бирини тушуншдан, муросаи-мадордан келиб чиқади.

Абдулҳамид ЖУМАНОВ:

— Ўзини бошқалардан юқори қўядиган, манманликка берилган инсонларни то улар шу йўлдан қайтмагунча, яхшиликка чақираверишимиз керак. Улар бўлди, бу фикримдан қайтдим, демагунча, қақириб суҳбатлашшдан чарчамаслигимиз лозим. Чунки ҳамманинг тушуниши, қабул қилиш даражаси ҳар хил бўлади.

Биз тарғибот-ташвиқотни, тушунтириш ишларини тўхтатмаслигимиз керак. Кимнидир жаримага тортиш, жазолаш қочмайди, унга улгураимиз. Лекин тарғибот-ташвиқот ишларини тўхтатиб қўймаслигимиз керак. Бўлди, бунга гап таъсир қилмас экан, деб осон таслим бўлиш ярамайди.

Нима деб ўйлайсизлар, балки тўйхона эгаси ҳам тўй ўтказётган одамга меъёридан ортиқ нарсаларга рухсат бера олмайман, дейиши мумкин-ку! Масалан, бундан икки йил аввал бир тўйда қатнашгандим. Ўша тўй анча дабдабали ўтган. Дастурхон жуда тўкинлигидан бир қарич бўш жойнинг ўзи йўқ. Спиртли ичимликларнинг тури ҳам кўпдан кўп эди...



Максуба АРИПОВА,
Учтепа тумани ҳокими ўринбосари,
Хотин-қизлар қўмитаси раиси:

— Президентимиз тўйларимиздаги исрофгарчиликлар ҳақида гапираркан, пул топиб, ақл топмаган айрим маънавий савияси паст кимсалар турли-туман одатларини ўйлаб топаётганини танқид қилди. Афсуски, бундайлар оз эмас. Уларнинг ишлари жаҳолат аслида. Жаҳолатга қарши маърифат билан

кураш олиб бориш кераклиги ҳаммамизга маълум.

Туманимизда тўйларни ихчам ва замонавий қилиб ўтказиш бўйича жамоатчилик кенгаши, назорат гуруҳини тузганмиз. Улар тўйхоналарга бориб, таомномалар билан танишиб чиқяпти. Мана, масалан, яқинда бир тўйхонага бордик. Шахсан ўзим таомномани олиб кўрдим. Уч хил экан. Бири 130 минг сўмлик, бошқаси 100 минг сўмлик, арзони 65 минглик экан. Уларга «Менга 30 минг сўмлиги керак эди», десангиз, «Бизда бунақаси йўқ», дейишади.

Ёки бўлмаса, 150 нафар меҳмоним бўлади, десангиз, йўқ, биз 300 кишилик жой билан тўйни ўтказишимиз мумкин, деб рад жавобини беришади. Бу ҳолатлардан норози бўлиб, бизга ариза билан мурожаат қилаётганлар бор. Жамоатчилик кенгаши назорат гуруҳини тузганимизни эшитиб хурсанд бўлаётганлар ҳам бор. Энди тўй қилганда қийналмас эканмиз, яхши ўйлабсизлар, деганлар ҳам бор. Шунинг учун тўйхоналаримиз фаолиятини жиддий назоратга олишимиз керак.



Бахтиёр НОСИРОВ,
Юнусобод тумани, «Туркқўрғон»
маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Ўзбекчилигимизда оила муқаддас саналади. Ҳамма нарса оиладан бошланади. Оилада тарбия масаласида бироз бўшлиқ пайдо бўлиб қолди. Бунга очик тан олиб, қарши чораларини кўришимиз

керак. Агар оилада тарбияни яхшилласак, ҳамма масалага ечим топа оламиз. Айнан тўйлардаги иллатлар билан ҳам самарали кураша оламиз. Шу кунларда туманимизда икки-уч йиғинда бўлдим.

Одамлар Президентимизнинг тўй-ҳашамларни ўтказиш масаласидаги танқидий фикрларини жуда ўринли, деб қўллаб-қувватлашмоқда. Тўғриси, бу иллатлар дард бўлиб турибди. Одамлар ҳатто кредит олиб тўй қилаяпти. Катта тўй қилмасам бўлмас экан, деб хонавайрон бўлаётганлар ҳам бор.

Президентимиз маърузасида ана шу аччиқ ҳаётий ҳақиқатлар айтилди. Мен шундай хулосага келдим, биз кўп иллатларга қўниқиб қолган эканмиз. Лоқайдлик яхшиликка олиб келмайди.

Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларида тўйдан кейин келиннинг ота-онаси 40 кун мобайнида кўёвнинг уйига 3 маҳал овқат ташир экан... Бу қанақа удум, бунга қандай баҳолаш мумкин?

Абдулҳамид ЖУМАНОВ:

— Исрофнинг ҳар қанақа кўриниши динда ман қилинади. Ҳаттоки, садақани ҳам ҳаддан ташқари кўп бериш ўша одамнинг муҳтожликка олиб келишига сабаб бўлса, бу ҳам исроф саналади. Ортиқча юкни зиммамизга олишимиз ўзимизни ҳалокатга ташлаш билан баробар бўлади. Бой ёки камбағал бўлишдан қатъи назар, бу нарса ҳаммага оғир келади, ёки ҳеч бўлмаса, малол келади.

Водийда келин томоннинг тўйдан кейин кўёвнинг уйига 40 кун мобайнида овқат ташини ачинарли ҳол. Одамнинг йўлдан адашиб кетиши шу даражага бориши керакми? Адашиб шунақанги нарсани, у одамни хунук, қулғили ҳолатга солиб қўяди. Ташқаридан қараган одам унинг бу ҳолатига фаҳатгина ачинади.

Давра суҳбатида Юнусобод тумани, Шайхивили маҳалла фуқаролар йиғини раиси Асатулла Тўлаганов, «Янгиариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Равшан Исмолов, Олматор туманидаги 111-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Назира Тошева, «Чаман-боғ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муқаддас Ҳидоятнова ва бошқалар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Менинг 3 нафар қизим бор. Уларни ўстирсам, улғайтирсам, турмушга бериб юбурсам-да, кейин орқасидан овқат ташиб юрсам, яна овқатнинг сифатига эътироз билдирса, одамнинг устидан қулиш, таққирлаш, қадр-қимматини ерга уриш эмасми? Қизингизни олганим учун бўйингизни эгиб юринг, дегандек бир нарса бу, уят бу.

Ҳозир шу ерда ўтирган давра суҳбати иштирокчиларининг фикри бир жойдан чиқяпти. Телевидение, радио ва матбуотда одамларнинг фикри бир жойдан чиқади, ҳамма чиройли гапирди, лекин амалда ҳеч нарса кўринмаяпти. Ким қиялти бу данғиллама тўйларни? Нега исрофгарчиликларга йўл қўйилапти? Чунки тарғибот изчил эмас, амалий чора кўрмаймиз. Гапимиз бошқа, қилган ишимиз бошқача бўлиб қоляпти.

ТАҲРИРИЯТДАН: Давра суҳбатида тўй-маъракаларимиздаги камчилик ва нуқсонларнинг айримлари ҳақида фикр юритилди, баҳоли қудрат таклифлар айтилди. Аммо бу муаммоларни бартараф этиш осон эмас, албатта. Бунинг учун таъқиқ ва чекловлардан кўра, тарғибот ишлари кўпроқ самара беради. Шу боис, мавзунинг давом эттирамиз, сиз, азиз газетхонларнинг фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.

Айниқса, ЎЗХДПдан сайланган депутатлар, партияимиз фаоллари бу масалага алоҳида эътибор қаратиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки тўй — ижтимоий масала. Ким ўзарга тўй қилиш аҳолининг кам таъминланган қатлами учун оғир кечиши табиий.

Тўйларимизга эътиборни ижтимоий ҳимоят, маънавиятга, қудаларнинг аҳиллиги, ёшларнинг бахтли бўлишига, жамиятда соғлом муҳитни мустаҳкамлашга эътибор, деб тушунмоғимиз зарур.

Ҳозир «Ёшлар — ёшларга» деган ташаббус кенг қўлоқ ёймоқда. Энди кексалар — кесаларга, аёллар — аёлларга, деган ташаббусларни ҳам бошлаш керакдир? Бир хил масалалар борки, эркалар аёлларга гапира олмайди, тушунтира олмайди. Лекин аёллар бир-бирига тушунтира олади. Кексалар орасида ҳам тушунадиган ва тушунмайдиган қатлам бор. Тенгқур тенгқурга гапирса, тушунади.



Нуриддин АМИНЖОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият
ҳодими:

— 1972 йилда уйланганман. Ўша вақтда республика радиосида ишлардим. Уйланган йилим тўйларда овоз кучайтиргич қўйилмасин, деган қарор чиққан. Шу қарордан сўнг маҳалламизда биринчи тўй меники бўлган. Маҳалламиз раиси тўйни овоз кучайтиргичсиз ўтказишга мени кўндирган. Ваҳоланки, энг овози баланд техник воситаларни олиб келишим мумкин эди. Ўзбекистондаги кўпчилик машҳур артистлар мен билан бирга ишлашган, бирортасини тўйга хизматга таклиф қилмаганман.

Бизда қадимдан оқсоқоллар гапи гап бўлган. Момоларимиз гаплари оналаримизга ўтган. Бугун ҳам кексаларимиз маслаҳатларидан фойдаланмоқ керак.

Кўп нарсани йўқотдик, дедик, энг йўқотган нарсамиз нима? Тўйларда ижро қилинадиган, асл қадриятларимиз ҳисобланган қўшиқларимизни ҳам йўқотдик. Шовқин-суронли мусикаларга чек қўйиш керак. Қўшиқларнинг мусикасини баланд қўйишнинг сабаби, унинг сўзида маза-матра йўқ. Шу камчилигини яшириш учун овоз кучайтиргични баланд қилиб қўйишади.

Муқаддам РАСУЛОВА:

— Келиннинг сепини чегарадан чиқиб кетмаган ҳолда тўрт фаслга мослаб қийим қилиб беришимиз керак. Сабаби, бир йилдан кейин келинимиз хомиладор бўлади ва бошқа қўйлақлар унга сигмай қолади. Натижада ортиқча қийимнинг аксарият қисми қийилмай қолиб кетади.

Ҳамма ўз фарзандини севади, шунинг учун айрим ота-оналар қизига қанча кўп қийим қилса, шунча хузурланади. Лекин бу ортиқча исрофгарчилик ва ортиқча пул сарфлаш бўлади. Ўзим ҳам биринчи қизимни турмушга берганимда ҳавас ёки тажрибасизлик туфайлими, сепига ҳаддан ташқари кўп қийим қилиб бергандим, кўпи қийилмади.

Ота-она фарзандни болалигидан ҳалол, камтар қилиб тарбиялашга эътибор қаратиши керак. Ҳозир айрим ота-оналар қизларини узатаётганда сепига мутафаккир адибларимизнинг китобларини қўшиб беришяпти. Бунга аниъанага айлантиришимиз керак. Алишер Навоий ёки Абдулла Қодирий сингари улғу адибларимиз асарларини келиннинг сепига қўшсак, ибратли аниъана бўлади.

Сафар ОСТОНОВ:

Тўй — халқимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади. Ўзбекчиликда тўй оиланинг энг азиз орзуларидан биридир. Хар бир ота-она фарзанд устирсам, тўйини қилсам, деган орзу ният билан яшайди. «Илоҳим ҳаммамизни тўйга етказсин», деб дуо қилинади.

Никоҳ тўйи ҳар бир инсон ҳаётидаги бахтли, тарихий воқеа. Тўйни ҳеч ким таъқиқламақчи эмас.

Фақат тўйларимиз чиройли, маданиятли ўтсин, сарф-харажатлар меъёрида бўлсин, ота-оналар қийналиб қолмасин, исрофгарчиликларга йўл қўйилмасин, дейилмоқда.

Ота-оналар эътибори тўйни дабдабали қилиб ўтказишга эмас, ўзига муносиб кўёв ва келин танлашга, фарзандлари бахтини ўйлашга қаратилиши керак дейилмоқда.

Агар тўй-маъракаларда бугун авж олаётган иллатларга қарши жиддий курашилмаса, маънавий-маърифий тарғибот ишлари изчил, таъсирчан олиб боришмаса, эртага янада оғир муаммолар пайдо бўлиши мумкин.


Тўқлиққа шўхлик, мактанчоқлик, исрофгарчиликлар, дабдабаозлик, бир сўз билан айтганда, нодонлик ва ношудликларнинг олди олинмаса, бу иллатлар, маърузада айтилганидек, миллатимизни маънавий таназзулга етаклайди.

Бугунги давра суҳбатидан мақсадимиз битта: Тўйларимиз камхарж, ихчам, чиройли, маъно-маъмуни, маданиятли ўтсин. Ёшларимиз бахтли бўлсин!

«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Нуруллоҳ ДОСТОН, Абдусалим МАҲМУДОВ, Шаҳбоз САИДОВ ёзиб олди.

Яқинда маҳалламизда яна битта тўй бўлиб ўтади. Шу хонадон келин тарафга мебель олдирмади.



Дониёр Абдуллаев олган суратлар.

РАНГ-БАРАНГ
ДУНЁБИГ-БЕН
СОАТИтўрт йил давомида бонг
урмайди

Вестминстер саройининг минора соатлари — Биг-Бен 21 августдан бошлаб таъмирланаётгани туфайли «жсим бўлади». Ушбу жараён тахминан тўрт йил давом этади.

Сўнгги 157 йил давомида ҳар соатда 14 тонна оғирликка эга кўнғироқни уриб келган болгалар соатлардан ажратиб қўйилади. Кўнғироқ салосини фақатгина муҳим ҳодисалар рўй берганда, масалан, Янги йил кирганда эшитиш мумкин бўлади.

96 метрлик минора майдони Буюк Британиянинг энг машҳур жойларидан бири бўлиб, ҳозирча унинг ярми ёпилади.

КЎЧКИ

ОҚИБАТИДА

400 га яқин киши ҳалок
бўлди

Сьерра-Леоне пойтахти Фритаун шаҳрида юз берган кўчкилар туфайли қурбон бўлганлар сони 350 кишидан ортиб кетди.

Маълумотларга кўра, шаҳардаги касалхоналарга 350 дан ортиқ жасад олиб келинган, улардан 100 нафарга яқини болалардир.

Ҳукумат томонидан тезкор штаб ташкил этилган бўлиб, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Маҳаллий аҳолини хавфли ҳудудлардан эвакуация қилиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Интернет материаллари
асосида тайёрланди.

ХОРАЗМНИ ДУНЁ БИЛАДИ

Питнак — Хоразмнинг энг чекка ҳудудидаги аҳоли маскани. Истиқлол туфайли у қадим воҳанинг энг таниқли кентларидан бирига айланиб қолмасдан, бугун қитъалар оша дунёга машҳур бўлмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши иш-тирокчиси, тўқсон беш яшар Ҳамид бобо шундай гурунг берганди: «Тавба, деб гапирай, кўп ажойиб замонларни кўраётимиз-а! Бутун умримиз пахта деб ўтиб кетди-я. Хоразмда ақалли велосипед ишлаб чиқарилмаган. Мана энди энг замонавий русумдаги енгил машиналар ишлаб чиқарилаёпти. Уйимиздан машина заводининг маҳабатли биноси кўриниб туради. Ҳар кўзим тушганида шундай замонларга етказгани учун Аллоҳга шукроналар айтаман. Бу эзгу ишлар бошида турган инсонларга кучкуват тайлайман».

Англаганингиздек, гап «ЖМ Ўзбекистон» акциядорлик жамиятининг Питнак шаҳридаги Хоразм филиали ҳақида кетаяпти.

Ушбу корхонанинг тамал тоши 2012 йилда қўйилган эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 февралдаги «Хоразм вилоятида «Дамас» русумли енгил автомобилларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси» МЧЖ негизда янги автомобилларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ишлари икки босқичда амалга оширилиб, «ЖМ Ўзбекистон» АЖ вилоят филиали — «Хоразм авто» заводи ташкил қилинди.

Янги корхонанинг белгиланган муддатларда иш бошлаши учун қурилиш-монтаж ишлари жадал олиб борилди ва 2014 йилнинг биринчи мартга қадар лойиҳанинг илк босқичи якунига етди. Иш кўлами маҳабатли эди — йиғув цехи учун мўлжалланган бино, муҳандислик коммуникациялари, маъмурий

бино, контейнерлар майдони, эҳтиёт қисмлар омбори ва марказий юклash майдони битказилиб, таъмирланиб, қисқа фурсатда «Дамас» машиналари йиғиш йўлга қўйилди.

Воҳа учун тамомила янги бўлган машинасозлик заводини яратиш, ишга тушириш анча машаққатли кечди, — дейди филиал ижрочи директори Собир Жуманиёзов. — Филиалда илк машина конвейердан 2014 йилнинг 10 февралда тушди. Воҳа тарихи зарварларига олтин ҳарфлар билан битилган бу сана иқтисодиётда янги босқич бошланганидан дарак эди.

2014 йилнинг 7 март кунидан бошлаб йиғув цехидан тамомила янги русумдаги «Шевролет Орландо» оилабоп енгил машинанинг биринчиси чиқди.

Лойиҳанинг иккинчи босқичига кўра, 2014 йилнинг сентябрь ойига келиб бўёқлаш ва пайвандлаш цехлари ҳам ишга туширилди. Бу эса енгил машиналарни оммавий равишда ишлаб чиқаришнинг бошланиши эди. Эндиликда кузовларни пайвандлаш, бўёқлаш ва йиғиш шу ернинг ўзидаёқ амалга оширилди. Бу ҳар соатда саккизта енгил машина конвейердан тушишини билдирарди.

Орадан яна бир йил ўтмасдан, завод цехларидан «Лабо» русумли юк ташишга мўлжалланган енгил автомобиллар ҳам чиқа бошлади.

Улугбек Маткаримов, «Хоразм авто» заводининг ходими билан ишлаш бўлими мудири:

— Янги завод вилоятнинг энг чекка тумани ҳамда шаҳри бўлган Питнак йигит-қизлари учун жуда катта имкониятлар эшигини очиб берди. Биринчи босқичда 643

нафар ишчи-ҳодим маҳаллий аҳоли орасидан танлов асосида ишга қабул қилинди. Ёш ишчиларни янги касбга ўргатиш учун Асака ҳамда Тошкент шаҳридаги корхоналарга малака оширишга юбордик. Бўёқлаш цехидан саккиз нафар, пайвандлаш цехидан ўн нафар ишчиларимиз Корея Республикасида ўз малакаларини оширишди. Келгусида ҳам малака ошириш ҳамда таҳрибани ўртоқлашиш учун ишчиларимизни хориж давлатларига юборишни кўзда тутганмиз.

Этиборли томони, Республика Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра туман агросаноат касб-ҳунар коллежи Питнак транспорт касб-ҳунар коллежига айлантирилди. Бу эса заводга малакали етук кадрлар тайёрлашга замин яратди.

Темурбек Худайбергенов, ишлаб чиқариш, пайвандлаш цехи биргадир:

— Янги завод биз, ёшларнинг орзулари амалга ошишига замин яратди. Кореяда малака оширишда бўлдим. Тўғриси айтишим керак, замонавий таълим олган, касб-ҳунар ўрганаётган ёшларимиз дунёқараш, салоҳияти ўша ривожланган давлатлари ёшлариникидан қилишмайди, ҳатто яхшироқ десам ҳам хато бўлмайди.

Алоҳида таъкидлаш шарт бўлган ҳолат: янги завод иш бошлаши билан бир қаторда заводга бутловчи қисмларни етказиб берувчи бешта кўшма корхона ҳам Питнак шаҳрининг ўзида фаолият юрита бошлади. Булар «Ўз-Тонг Хонг», «Ўз-Корам», «Ўз-Донг Вонг» ҳамда «Ўз Семюнг» каби жаҳонга машҳур автомобилсозлик корхоналарининг филиалларидир. Ушбу кўшма корхоналар шарофати туфайли янгида 600 га яқин иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, маҳаллийлаштириш дастурига асосан саккизта тадбиркорлик субъектлари эҳтиёт қисмлар етказиб бериш бўйича ўз фаолиятларини йўлга қўйди.

Кўшма корхоналар филиаллари ҳамда тадбиркорлик субъектларининг фаолият юритиши ўз навбатида биргина «Дамас» русумли автомобилга керакли эҳтиёт қисмларнинг саксон фоизини шу ернинг ўзида тайёрлаш имкониятини яратди. Натижада 15 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблаг тежаб қолинди.

Райхон Жуманиёзова, капитал қурилиш бўлими мудири:

— Корхонамизда ишлаётган бир минг беш юз нафардан зиёд ишчи-ҳодимларнинг 412 нафари олий маълумотли мутахассислар. Ўзим Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетини тамомлаганман. Корхонамиз шу ва бошқа техник олий ўқув юртлари билан мутахассислар етказиб бериш борасида ўзаро алоқаларни яхши йўлга қўйган. Заводимизда ишчи-хизматчиларнинг иқтисодий муҳофазаси юксак даражада ташкил этилган. Улар иссиқ оғдат, махсус кийим бош билан таъминланганлар.

Моддий раббатлантириш ишлаб чиқариш самарадорлигига хизмат қилади. Ишчи-ҳодимларга ойлик маош бериладиганда, яна бир қатор кўшимча кўрсаткичлар этиборга олинади. Ишлаб чиқариш режаси бажарилганда ойлик маошининг ўн фоизи, сифат кўрсаткичлари яхшиланганда ўн фоизи, шунингдек, хавфсизлик бўйича ҳам шу миқдор ва глобал ишлаб чиқариш тизими талаблари бажарилганда беш, жами 35 фоиз мукофот пули ҳам берилади. Бундан ташқари, ишчи-ҳодимларнинг намунали лойиҳалар асосида қурилган турар жойлар билан таъминланаётгани янги, ёш оилаларни мамнун этмоқда.

Ишчиларнинг маданий ҳордик чиқаришлари, бўш вақтларида спорт билан шуғулланишлари масаласи ҳам корхона раҳбарияти этиборида турибди. Мустақиллик байрамига янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилади. Ҳар томонлама қулай

бу мажмуани барпо этиш учун бир миллиард сўм сарфланган.

Шароит, моддий раббатлантириш аъло даражада кузовлар ясаши йўлга қўйилган жойда иш самарали бўлади, ютуқлар зални шу ернинг ўзида тайёрлаш имкониятини яратди. Натижада 15 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблаг тежаб қолинди.

2014 йил 19 687 дон «Дамас» ишлаб чиқариш режасида ишланган бўлса, амалда 20 790 та машина конвейердан чиқди.

Бу кўрсаткич йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9724 донга автомобил кўп ишлаб чиқарилган. Агарда буни иқтисодий рақамларга айлантирсак, бу даврда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 208.9 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 273 фоизни ташкил қилган. Бу рақамни иқтисодчилар тили билан айтганда, «буюк сакраш», дейиш мумкин.

Яна бир янгилик: шу йилнинг май ойидан бошлаб филиалда янги «Лабо» автомобил юк ташиш платформасининг ўзайтирилган янги турини оммавий ишлаб чиқариш бошлаб юборилди. Бу янги юк ташиш автомобиллари тадбиркорлар ва корхоналар учун жуда зарур ҳамда самарали транспорт воситасидир.

Заводда янгида-янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинмоқда. «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси айнан филиалга яқин ҳудудда бунёд этилмоқда. Мазкур зонада автомобиль саноатини ривожлантириш учун ҳам каттагина ҳудуд ажратилган.

«Ўзавтосаноат» АК томонидан ишлаб чиқилган режага асосан 2017-2020 йилларда маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ жами киймати 53.08 миллион АҚШ доллари миқдоридagi 11 та йирик лойиҳа амалга оширилади. Бу нима дегани? Шу кунгача «Дамас» енгил

автомобилининг кузови Корея Республикасидан келтирилди. Эндиликда эса шу ерда иш бошлайдиган корхонада кузовлар ясаши йўлга қўйилади. Штамповка қилиш ва пайвандлаш цехи иш бошлаши билан жуда катта миқдордаги валюта тежалишига эришилади.

... Айтаверсак гап кўп, келтираверсак рақамлардан саҳифа тўлади. Яхшиси, жуда содда қилиб бир таққослашни келтирган маъкул. Бугун мазкур корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, маҳсулот сотишдан олаётган даромади собиқ шўролар тузуми даврида бутун вилоятда мавжуд барча саноат корхоналари даромадидан бир неча қарра кўпроқдир.

Бугун воҳанинг энг чекка ҳудудида иш бошлаб, ўтган қисқа даврда том маънода нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам танилган корхона ҳақидаги мақоламизга нуқта қўйиш вазифасини хорижлик ҳамкоримизга берамиз.

Рональд Кеннеди, ишлаб чиқариш бўйича менежер:

— «Женерал моторс» компанияси билан ҳамкор корхоналар дунёнинг 32 та давлатида фаолият юритмоқда. Улар орасида Хоразм филиали ҳақида кўп мақтовларни айтиш мумкин. Бу ерда иш тартиби, ишга масъулият билан ёндашиш юксак даражада. Бу расман тан олинган ҳақиқат. Буни икки мисолда тушунтиришга ҳаракат қиламан. «ЖМ Ўзбекистон» АЖ Хоразм филиали 2016 йилда ишни самарали ташкил этиш бўйича дунёдаги «Женерал моторс» корпорацияси заводлари ичида биринчи ўринни кўлга киритди. 2017 йилнинг биринчи ярим йиллигида корпорациянинг дунёдаги заводлари орасида эришган натижалари учун Хоразм филиали барча йўналишлар бўйича «Энг яхши завод» номинациясига эга бўлди...

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Миллий матбуот марказида

Кафе, рестороанлардаги таомлар қачон стандартлаштирилади?

«Ўзстандарт» агентлиги томонидан матбуот аякумани ўтказилди.

Тадбирда агентлик томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича давлат назорати ва сертификатлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича инспекция назорати олиб борилиши таъкидланди.

— Агентлигимиз таркибида 14 ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаси фаолият кўрсатиб келмоқда, — деди «Ўзстандарт» агентлиги директори ўринбосари Жамшид Мирсаидов. — Ўтган 2016 йил ва жорий йилнинг ҳозирги кунига қадар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳамда сотувчи 170 тадбиркорлик субъектларида стандартлаштириш ва таътир талаблар бажарилиши устидан давлат назорати ўтказилган. Ушбу текширувларда 340 турдаги

озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги синовлардан ўтказилиб, шундан 80 турдаги маҳсулотлар амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига номувофиқ, деб топилган.

Яна шунинг қайд этиш кераки, текширув натижаларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва сотувчи тадбиркорлик субъектларига 120 маротаба камчиликни бартараф этиш, 32 ҳолатда номувофиқ бўлган маҳсулотлар сотишдини таъкидлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилган. Шунингдек, 170 нафар мансабдор шахс жавобгарликка тортилиб, уларга нисбатан 38628,4 минг сўм маъмурий жарималар қўлланилган.

Озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаштириш бўйича республикамизда

37 сертификатлаштириш идораси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу идоралар томонидан ўтган давр мобайнида озиқ-овқат маҳсулотларига 30815 номувофиқлик сертификати расмийлаштирилган.

— Текширувларда 80 турдаги маҳсулот амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига номувофиқ деб топилгани айтилди. Уларнинг қайси турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари эканлиги тўғрисида мисол келтира оласизми?

— Мисол тариқасида қолипчиликни айтишим мумкин. Текшириш жараёнида унинг вазнида ҳамда кўринишида фарқ борлиги, давлат стандартларига жавоб бермаслиги маълум бўлди. Бундай маҳсулотлар меъёрга пишмаган ва қабул қилинган стандарт

вазндан кам ҳолатда истеъмолчига етказиб берилмоқда. Яна спиртли ичимликлар меъёрида кўрсатилганидек 40 даражада эмас, балки ундан пастроқ даражада ишлаб чиқарилаётганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, виноларни сақлашда тартиб-қоидаларга риоя этилмаётганлиги сабабли унинг таркибида ҳам ўзгариш бўлиб, истеъмолчиларга яроқсиз вино маҳсулотлари сотиладиганлиги аниқланди.

— Бугунги кунда туризмни ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Умумий оқватланиш тармоқларида тайёрланаётган таомларнинг стандартлари чет эллик сайёҳлар талабларига жавоб берадими?


— Туризмни ривожлантириш бўйича Президентимизнинг қарори эълон қилинди. Ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда, иккита хизмат турини мажбурий сертификатлаштириш тартибини ишлаб чиқиш белгиланди. Шунга асосан тегишли вазирликлар билан келишган ҳолда қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Биринчи босқичда меҳмонхоналарда ёки меҳмонхона тасарруфидagi кафе, рестороан ва ошхоналардаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда таомларга стандартлар жорий қилинмоқда. Иккинчи босқичда хусусий кафе, рестороан ва ошхоналар қамраб олинмиш кўзда тутилган.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЖМ Ўзбекистон» АЖ Хоразм филиали 2016 йилда ишни самарали ташкил этиш бўйича «Женерал моторс» корпорациясининг дунёдаги заводлари ичида биринчи ўринни эгаллади.



«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти тизимидаги
«203-TAJRIBA YO'L-MASHINA STANSIYASI»
 жамоаси



юртдошларимизни
 Ўзбекистон Республикаси
 мустақиллигининг
 26 йиллиги байрами
 билан табриклайди!




«Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти тизимидаги
«XORAZM HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI»
 акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни энг улуғ,
 энг азиз айём билан қутлайди!



Маҳсулотлар сертификатланган.
 Хизматлар лицензияланган.



«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи»
филиали жамоаси

халқимизни Ватанимиз
мустақиллигининг 26 йиллиги
билан табриклайди!



Хизматлар лицензияланган.



«NAVUZ INTERNATIONAL CORP»

қўшма корхонаси жамоаси

Ўзбекистон халқини

Мустақиллик байрами
билан қутлайди!

Юртимиз тинч,
устиқлолимиз абадий бўлсин!



Маҳсулотлар сертификатланган.

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



ГАРАНТИЯ 1 ГОД

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78,
(+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan *
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 838
9236
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 01:15
Topshirilgan vaqti — 02:55

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5 6